

7-26-2020

INTERPRETATION OF TEXT AND QUESTIONS RELATED TO THIS MATTER IN FOREIGN LINGUISTICS

Gani Nasrullaevich Zikrillaev
doctor of philological sciences, professor

Erkin Boltaevich Jumaev
teacher of the department of german and french languages, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Zikrillaev, Gani Nasrullaevich and Jumaev, Erkin Boltaevich (2020) "INTERPRETATION OF TEXT AND QUESTIONS RELATED TO THIS MATTER IN FOREIGN LINGUISTICS," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 3 , Article 8.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss3/8>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

13. Nigmatov X.G., Abdullaev K.M., Banaru V.I. i dr. Sposobi sintaksicheskoy svyazi i aktualnie voprosi tyurkskogo sintaksisa// Sovetskaya tyurkologiya. - Moskva, 1988. - № 4. - S. 3-8.

14. Nazarova S. Birikmalarda so'zlarning erkin bog'lanish omillari: Filol. fan. nomz.... diss. avtoref. - Toshkent, 1997. - 21 b.

УДК 811.512.133

ХОРИЖИЙ ТИЛШУНОСЛИҚДА МАТН ВА УНГА АЛОҚАДОР МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ

**ТОЛКОВАНИЕ ТЕКСТА И СВЯЗАННЫХ С НИМ ЗАДАЧ В
ЗАРУБЕЖНОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ**

**INTERPRETATION OF TEXT AND QUESTIONS RELATED TO
THIS MATTER IN FOREIGN LINGUISTICS**

Зикриллаев Ғани Насруллаевич

филология фанлари доктори, профессор

Жумаев Эркин Болтаевич

БухДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

Zikrillaev Gani Nasrullaevich

doctor of philological sciences, professor

Jumaev Erkin Boltaevich

teacher of the department of german and french languages, BSU

Таянч сўзлар: гапдан йирик бирлик, мураккаб синтактик бутунлик, матн, матн лингвистикаси, матн грамматикаси, мазмуний, коммуникатив ва зохирий яхлитлик, микроматн, макроматн, жумла, импликация, кесимлик, референция, макропропозиция, тема-рематик занжир, коммуникатив мақсад, анафорик ва катафорик алоқа, пропозиция, релятив структура, монологик ва диалогик нутқ, ўзга нутқ.

Ключевые слова: сверхфразовое единство, сложное синтаксическое целое, текст, лингвистика текста, грамматика текста, семантическая, коммуникативная и структурная целостность, микротекст, макротекст, высказывание, импликация, предикативность, референция, макропропозиция, тема-рематическая прогрессия, коммуникативная целеустановка, анафорическая и катафорическая связь, пропозиция, релятивная структура, монологическая и диалогическая речь, чужая речь.

Key words: the large unit, complex syntactic integrity, text, text linguistics, text grammar, semantic, communicative and structural integrity, micro-text, macro-text, clause, implication, predicate, reference, macro-proposition, theme-rhematic progress, communicative target, anaphoric and cataphoric connection, proposition, relative structure, monologue and dialogic speech, strange speech.

Мақолада хорижий тилшунослиқда матн лингвистикаси ва матн грамматикасининг шаклланиши, матн грамматикаси яхлитлиги, шунингдек, микроматн деб қараладиган монологик, диалогик ҳамда ўзга нутқнинг лисоний-нутқий хусусияти ҳақидаги қарашлардан айрими қисқача шарҳланади. Хорижий тилшунослиқдаги матн грамматикаси ҳамда микроматн яхлитлиги хусусида мавжуд фикрлардан ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган матн грамматикаси ҳамда микроматнни тадқиқ қилишда фойдаланса бўлади.

В статье коротко излагаются некоторые точки зрения, существующие в зарубежной лингвистике, относительно становления лингвистики текста, грамматики текста, а также особенности монологической, диалогической и чужой речи, рассматриваемых в качестве микротекста. Существующие в зарубежной лингвистике представления о грамматике текста и целостности микротекста

могут быть использованы при изучении грамматики и микротекста текста, что почти не изучается в узбекском языкознании.

The article deals with the process of forming of text linguistics and text grammar in foreign linguistics, totaling of text grammar, also interpretation of some opinions on micro-text interpreted as monologic and dialogic speeches including linguistic-communicative features are discusses in the work. Existing ideas about the grammar of the text in foreign linguistics and the integrity of the microtext can be used in the study of text grammar and microtext, which is almost unexplored in Uzbek linguistics.

Кириш. Маълумки хорижий мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмида амалга оширилган тадқиқотлар самараси ўлароқ филологиянинг *матн лингвистикаси* ва *матн грамматикаси* деган янги соҳалари вужудга келади. Жуғрофияси ниҳоятда кенг, адади бениҳоя кўп бўлгани боис ушбу мақолада матн грамматикаси бўйича асосан немис, қисман рус тилига доир тадқиқотлардан айрими хусусида қисқача фикр юритамиз.

Асосий қисм. Хорижий тилшуносликда *матн* тушунчасининг пайдо бўлиши гапни ўрганиш жараёнида ундан катта синтактик бирлик, яъни ўзаро боғланган гаплар гуруҳига эътибор бериш билан боғлиқ. Жумладан, 1949 йилда К.Бост шундай ёзади. Бир гапни бошқасига улайдиган чизимча шу қадар кўпки, гаплар ўзаро шу қадар чатишиб кетганки, алоҳида олинган ҳар бир гапни бошқаси билан узвий боғланган деб хулоса чиқаришга тўғри келади [1,9]. Булар дастлаб *гапдан йирик бутунлик* (нем. *übersatzmässiges Ganzes*, рус. *сверхфразовое единство*), *мураккаб синтактик бутунлик* (сложное синтаксическое целое), *гаплар ҳамкорлиги*, *гуруҳи* (нем. *Satzgemeinschaft*) деб номланади. Бундай бирликка нисбатан кейинчалик ўзбек тилида *матн*, немис ва рус тилларида *Text, текст*, инглиз ва француз тилларида *discourse, discours* атамаси қўлланади. Бунинг сабаби шундай изоҳланади. Одатда алоҳида сўз билан эмас, гап ёки матн воситасида гапирамыз [Weinrich, 1966]. Тилдан фойдаланганимизда асосий бирлик вазифасини сўз ёки гап эмас, матн бажаради [Halliday, 1970]. Нутқнинг тугалланган фикр ифодалайдиган асосий бирлиги гап эмас, матндир [9,9].

70-йилларнинг бошида гапдан йирик бутунлик (матн)ни тадқиқ этишга қизиқиш янада ортади. Бу бир жиҳатдан антиментализмга қизиқиш сусайиши билан изоҳланса иккинчи жиҳатдан тилшуносликда семантика, прагматингвистика, функционал услубият, яъни энг аввало нутқнинг социал жиҳатларини тадқиқ қилишга қизиқишнинг ортиши билан изоҳланади. 60–80-йилларда амалга оширилган тадқиқотлар самараси ўлароқ *матн лингвистикаси* шаклланади.

Шуни таъкидлаш жоизки матн атамаси тилшуносликда икки хил бирликка нисбатан ишлатилади. Матн деганда бир жиҳатдан сўзловчи нуқтаи назаридан тугалланган фикр ифодаловчи бир ёки бир нечта гап тушунилади; иккинчи жиҳатдан ҳикоя, қисса, роман, илмий асар, газета, журнал мақоласи, турли хил ҳужжат кабилар назарда тутилади. Бунинг боиси шуки, гапдан йирик синтактик бирлик билан бутун бошли асарнинг умумий жиҳати бор. Бу уларга хос мазмуний, нутқий (коммуникатив) ва тузилиш жиҳатдан яхлитликдир. Аммо улар орасида тафовут ҳам мавжуд. Шунга кўра, деб ёзади проф. О.И.Москальская гапдан йирик бутунлик синтактик ҳодиса. У синтаксиснинг гапдан фарқ қилувчи алоҳида босқичи бўлиб асосан *матн грамматикаси* объекти ҳисобланади. Бутун бошли асарни эса грамматик тушунчаларга асосланиб изоҳлаб бўлмайди. У энг аввало социал-нутқий ҳодиса, жамият ҳаётининг турли соҳасини акс эттирувчи энг йирик коммуникатив бирликдир. У *матн лингвистикаси* билан бир қаторда психолингвистика (нутқ фаолияти назарияси), социология, социолингвистика, прагматингвистика, функционал услубиятда, бадиий матн эса энг аввало адабиётшунослик ва поэтикада тадқиқ этилади. Тилшуносликда бутун бошли асар асосан матн услубиятида ўрганилади [9,14]. Бундай ҳолда матн лингвистикасининг объекти иккита деб эътироф этилган

бўлади: 1) гапдан йирик бирлик ёки *микроматн* (нем. Kleintext, рус. микротекст) ва 2) бутун бошли асар ёки *макроматн* (нем. Großtext, рус. макротекст).

Микроматн билан макроматн ҳажми (чекмаси) мос келиши ҳам мумкин. Газета мақоласи, қисқа ҳикоя, об-ҳаво ҳақида маълумот, эълон [9,13], сарлавҳа, хат, телеграмма [7,380] ва ҳоказо битта матндан иборат бўлиши мумкин. Шу боис матн лингвистикасига доир айрим илмий асар ва мақола муаллифлари олиб қарайдиган мисол одатда жуда қисқа матн ёки шунчаки иккита, учта гапдан иборат бўлади [Agricola, 1969; Isenberg, 1972; Dressler, 1972].

Маълумки, инсон ўз фикрини гап, жумла (высказывание) ва матн воситасида ифода этади. Жумла тўлиқ нутқ ҳодисаси. У муайян хабар (ахборот)ни мазмунан тугал ифодалашига қараб шаклан гап ёки гапдан йирик бирликка (микроматнга) мос келади. Микроматн эса гап каби муайян андоза асосида ҳосил бўлади ва шу андозанинг нутқда воқеланиши тақозо этилади. Шунга кўра микроматнга ҳам *яхлитлик* (нем. Textkohärenz, Kohäsion, рус. целостность, когерентность) хос. Микроматн яхлитлиги 1) тузилиш (структура), 2) мазмун ва 3) нутқий (коммуникатив) кўринишга эга. Булар микроматннинг шакли, мундарижаси ва вазифаси (функцияси)га мос келади [9,16].

Микроматннинг мазмуний яхлитлиги бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан тема деб номланади. Улардан айрими [Agricola, 1969; Москальская, 1981] тема деганда микроматннинг мазмуний ядроси, яъни бутун матнга хос умумлашган мазмунни тушунади. Бошқасининг фикрича, микроматн темаси унинг таркибидаги гаплар темасининг арифметик йғиндисидан иборат [Dressler, 1972].

Микроматннинг мазмуний асоси кўпинча темага доир очкич сўзлар такрорланиб келишида воқеланади. Аниқроқ қилиб айтганда микроматнда референт (борликдаги мавжудот) битта бўлиб айни бир атоқли, турдош от, уларнинг луғавий маънодоши ёки улар ўрнида қўлланувчи олмош орқали ифода этилади. Бундай ҳолда референт вазифасида айни бир шахс, ҳайвон ёки нарса келади [Agricola, 1976]. Микроматннинг мазмуний яхлитлигини ҳосил қилишда *импликация* ҳам иштирок этади. Бунда микроматн таркибидаги гапларнинг мазмунан алоқаси борликдаги вазият (ситуация) ёки бутун-қисм муносабатига боғлиқ бўлади. Бундай алоқа натижасида очкич сўз билан бирга яна бошқа мавжудот ёки вазият тақозо этилади [9,21].

Маълумки ҳар қандай матн замирида борликдаги муайян мавжудот, воқеа - ҳодиса, у ёки бу факт, вазият ҳақидаги ҳукм ётади. Бу эса матндаги сўз ва гаплар, шунингдек, матннинг ўзи ҳам яхлит ҳолда борлик билан узвий боғланганлигини кўрсатади. Бинобарин, борлик билан муносабат ҳар қандай матннинг зарур белгиси ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, бу масала ҳам дастлаб гап назарияси доирасида тадқиқ қилинган. 1931 йилда Й.Рис шундай деб ёзади. Гапни сўз бирикмасидан фарқловчи асосий белги унда ифодаланадиган воқеликка муносабат (das Verhältnis zur Wirklichkeit)дир. Гап маъноси унинг таркибидаги сўз, сўз бирикмалари ва улар орасидаги муносабатдан эмас, ўлик сўзларни жонли нутққа айлантирадиган борликка муносабатдан иборатдир [5,74]. Рус тилшунослигида мазкур муносабат акад. В.В. Виноградов томонидан *предикативлик* деб номланади. Унинг таркибига шахс, замон ва модаллик категориялари киритилади. Бу категориялар биргаликда гапни грамматик жиҳатдан шакллантиради; бу бирлик сўзловчининг воқеликка муносабатини кўрсатиб нисбий тугалланган фикр ифодалайди [8,80]. Бинобарин нутқий фаолият гап ва жумла (высказывание) тарзида амалга ошади.

Матн лингвистикаси тараққий этиши билан бу қаторга яна бир аъзо қўшилади: *гал – жумла – матн*. Энди *борликка муносабат* ёки *борлик билан алоқа* энг аввало матнга хос деб қарала бошлайди. Бинобарин матн энг йирик синтактик бирлик ҳисобланади. У ҳар доим жумла тарзида намоён бўлиб тугалланган фикр ифодалайди.

Шуниси диққатга сазоворки, предикативлик таркибига кирувчи категорияларга матнда янгича мазмун қўшилади. Жумладан проф. О.И. Москальская буни қуйидаги микроматн асосида шундай изоҳлайди: *Im Kanal lag ein Boot; sie mieteten es und schwammen dahin. Ein Schwan kam ihnen entgegen. Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorbei* (Н.Манн). Матндаги охириги гап алоҳида олиб қаралса борлик ҳақидаги хабар етарли бўлмайди. Негаки унинг таркибидаги *der Schwan, das Boot, ihr*

каби сўзлар тингловчи (китобхон)га аниқ бўлмайди яъни борлиқдаги *ким* ва *нима* назарда тутилгани равшан бўлмайди. Бунинг боиси шуки гапда ўқувчига бунга имкон берадиган тагмаълумот мавжуд эмас. Бусиз эса янги маълумот бериш ҳам уни тушунишнинг ҳам имкони йўқ. Ана шу муаллиф ва ўқувчи учун муштарак маълумот (билим)асосида ўқувчига хабар берилаётган мавжудот аниқ, равшан бўлади. Яъни *sie* (*улар*) деганда ўқувчи асар қаҳрамонлари (*Дидрих* ва *Агенс*)ни тушунади. Аини вақтда *оққуш* ва *қайиқ* ҳақида янги маълумот берилади. Натижада микроматнда ифодасини топган мавжудотлар ҳақида аниқ тасаввур, тушунча, маълумот хосил бўлади [9,99]. Бу ҳодиса тилшуносликда *референция* (идентификация) деб аталади. Референция деганда сўзнинг денотат, яъни борлиқдаги мавжудотга муносабати назарда тутилади (денотат маъносида референт сўзи ҳам қўлланади). Фреге мантиқий мазмун (логик семантика)нинг таркибий қисми ҳисобланган сўз маъноси (*Sinn, смысл*) ва денотация ёки референция (*Bedeutung, обозначение*)ни гапга ҳам хос деб қарайди. Натижада мавжудот (предмет)ни от референти ва борлиқдаги воқеа-ҳодиса, фактни гап референти деб билади. Тилшуносликда бир қатор тадқиқотчи (Г.В.Гак, И.П.Сусов, Ю.К.Лекомцев ва б.)нинг фикрига кўра, гапнинг асосини когнитив, коммуникатив вазифа билан бирга номинатив вазифа ташкил этади. Бундай ҳолда референция жумла (высказывание)нинг воқеликка муносабати билан маънодош бўлади. Бинобарин, референция деганда гапнинг воқеликка муносабатини ифодаловчи от референцияси ҳам предикативлик категорияси ҳам тушунилади [9,102].

Немис тилида от референциясини ифодаловчи восита вазифасини артикл бажаради. Бунда отнинг аниқлик-ноаниқлик категорияси назарда тутилади. Кўпчилик тадқиқотчи бу категорияни матн доирасида ўрганиш унинг тилдаги моҳияти ва вазифасини теранроқ англаш имконини беради деб ҳисоблайди. Ноаниқ артикл тингловчи (ўқувчи)нинг диққатини кейинги маълумот (хабар)га қаратса, аниқ артикл аксинча олдинги маълумот (информация)га тортади [Weinrich, 1969; Dressler, 1972]. Бошқача айтганда, ноаниқ артикл ёрдамида сўзловчи тингловчи (адресат)га у билмайдиган мавжудот ҳақида хабар беради, аниқ артикл эса бунинг аксини ифода этади. Сон, миқдор билдирувчи сифат ва айрим олмош референцияни янада аниқ ифодалаш учун хизмат қилади [9,106; 11,333].

Замон категорияси шакллари микроматн таркибида фақат нутқ моментига муносабатни эмас, кетма-кет содир бўлганликни ҳам ифодалайди. Жумладан мазкур микроматндаги воқеа нутқ моментидан олдин сайр чоғида кетма-кет рўй берган. Бундан ташқари замон маъноси пайт ҳоли билан ҳам ифода этилади. Бу объектив замон деб аталади. Демак, матнда замон жиҳатдан борлиққа ҳар доим икки хил муносабат мавжуд бўлади. Бундан ташқари матнда макон-ўрин маъноси луғавий восита орқали ифодаланиб грамматик категория хосил қилмайди. Унга ҳозирга қадар кам эътибор берилганлигининг боиси шу. Иккала муносабатни ҳам ифодалашда матнда лисоний восита билан бирга ғайрилисоний омил иштирок этади [9,109–117; 11,333,334].

Предикативлик категориясининг яна бир аъзоси модалликнинг грамматик моҳияти, унинг турлари, ифода йўллари функционал морфология ва гап синтаксисида атрофлича ўрганилган. Матн грамматикасида диққат-эътибор модалликнинг гапга хос бўлмаган умумий қонуниятларини аниқлашга қаратилади. Бунда замон категориясидагидек нутқ фаолияти турлари, нутқий алоқа-мулоқотнинг турли хил вазияти, ёзма нутқда эса ҳар хил функционал услуб ва бадиий асар жанри инobatга олинади. Бошқача айтганда, микроматннинг модал очқич(ключ)ини аниқлаш тақозо этилади. Асар матнга бир хил модаллик (реаллик) хос. Аммо айрим (асосан бадиий) матнда бирдан ортиқ очқич бўлади. Бундай ҳолда бутун матн ва унинг қисмларига хос модалликни кўра билиш даркор [9,117–121; 11,334–335]. Бинобарин синтактик семантиканинг вазифаси гап ёки матн хосил бўлишида асос бўлувчи ҳамда борлиқ ҳақида инсон тафаккури тарзини акс эттирувчи мазмуний тузилма (структура)ларни аниқлашдан иборат. Бу эса фақат гап асосида эмас, матн замирида ҳам тафаккурнинг муайян мантиқий шакли ётади деган ғоя билан боғлиқ [Москальская, 1977].

Матн лингвистикасига бағишланган тадқиқотларда *мазмундан шаклга тамойилига* асосланганда матн мазмунининг идрок этилиши учун энг аввало унда ифодаланган макропропозицияни англаб етиш шарт деб қаралади. Макропропозиция матнда акс этган объектив мазмун, энг муҳим фикр бўлиб матндаги гаплар пропозициясидан келиб чиқадиган умумий пропозициядир. Бу тушунча ва атамани тилшуносликка Амстердам университети профессори Т.А. ван Дайк олиб кирган [Дейк, 1989].

Микроматннинг коммуникатив яхлитлиги унинг таркибий қисмлари узвийлиги, яъни кетма-кет занжирсимон алоқаси (нем. *Weitergeltung*) дан иборат [Wittmers, 1970]. Микроматн таркибидаги ҳар бир кейинги гап коммуникатив (нутқий) жиҳатдан ўзидан олдинги гапга таяниб ахборотни давом эттиради. Натижада тема-рематик занжир хосил бўлиб унинг ниҳояси микроматн чегарасини билдиради. Шундай қилиб тема-рематик занжир матн хосил қилиш вазифасини бажаради. Тадқиқотларда бу вазифа гап синтаксисига эмас, матн синтаксисига хослиги алоҳида таъкидланади [3, 109; 9, 21].

Микроматн хосил қилувчи занжирсимон алоқа бир неча андоза (қолип, модел)га эга. Бу андозалар жумладан немис тили материали асосида Ф. Данеш томонидан; рус тили материали асосида Г.Я.Солганик томонидан тасвирланган [қаранг: 9, 22-24; 11, 325-326].

Микроматннинг коммуникатив хусусияти тема-рематик занжир билан бирга унинг ифода мақсади (коммуникативная целеустановка) ёки коммуникатив вазифаси (коммуникативная задача) ни ҳам ўз ичига олади. Бунда сўзловчининг мақсади хабардор қилиш, сўраш, ундаш, даъват қилиш кабилардан иборат бўлади [9, 55]. Кўринадики, бундай ҳолда аънанавий синтаксисдаги коммуникатив мақсаднинг гапга нисбатан белгиланган уч асосий тури, яъни хабар, буйруқ, сўроқ матнга ҳам нисбат берилган бўлади [9, 59].

Микроматннинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги хорижий тилшуносликда кўп ўрганилган. Бу масала биргина немис тилида ўнлаб тадқиқотчининг эътиборини тортган [Pfützte M., Dressler W., Heidolph K.E., Isenberg H., Harweg R., Москальская О.И. ва б.). Тадқиқотлардан уни ифодаловчи восита ниҳоятда кўплиги маълум бўлади. Кишилиқ, кўрсатиш, эгалиқ олмоши, олмош-равиш, артикл, замон шакли, сон, маънодош, маъноси яқин очқич сўзлар, луғавий такрор, пайт, ўрин равиши, боғловчи шулар жумласидан. Бу воситалар ўзи қўлланган гапнинг *олдинги* ёки *кейинги гап(лар) билан боғлиқлигини* кўрсатиш учун хизмат қилиб матн хосил қилишда иштирок этади. Масалан, *Der Schwan und ihr Boot glitten lautlos aneinander vorüber* гапи алоҳида олиб қаралса аниқ артикл (*der*) ва эгалиқ олмоши (*ihr*) қўлланганлигининг сабаби аниқ бўлмай қолади. Гап эса тузилиш жиҳатдан яхлит, тугал бўлмайди. Негаки таркибидаги *мазкур* воситалар (аниқ артикл ва эгалиқ олмоши) да олдинга ишора мавжуд. Бинобарин, олдинги гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундагина фақат тузилиш жиҳатдан эмас, мазмунан ва коммуникатив жиҳатдан ҳам тугаллик хосил бўлади (микроматн юқорида берилди).

Bürger Buzot hatte ihn auf falsche Seite gelegt гапида эса фақат кишилиқ олмоши (*ihn*) эмас, замон шакли (плюсквамперфект) да ҳам кейин содир бўлган қандайдир воқеага алоқадорлик бор. Шу боис олдинги гап қўлланса олмошнинг маъноси ҳам плюсквамперфектга алоқадор иш-ҳаракат ҳам ойдинлашади: *Marcel erwachte mit entsetzlichen Schmerzen in der Schulter. Bürger Buzot hatte ihn auf falsche Seite gelegt (W. Bredel)*. Кўринадики, кишилиқ олмоши (*ihn*) биринчи гапдаги атоқли от (*Marcel*) ўрнида қўлланган, плюсквамперфектдан кейин содир бўлган воқеа ҳам аниқ (имперфектда ифодаланган). Демак ўзаро тузилиш ва мазмунан боғланган икки гап биргалиқда микроматн хосил қилмоқда [9, 26].

Айрим матн таркибида луғавий ва грамматик восита қўлланмайди. Гипертемали матнларда шундай бўлади. Бундай микроматн таркибидаги гаплар бир хил синтактик андоза асосида тузилади, асосий гап бўлақларининг ўрни ҳам мос келади: *Silberne*

* Буларнинг биринчиси анафорик, иккинчиси катафорик алоқа, боғланиш деб айтилади.

Wasser brausten, süße Waldvögel zwitscherten, die Herdenglöckchen läuteten, die mannigfältig grünen Bäume wurden von der Sonne gold ausgestrahlt (H.Heine).

Айрим микроматнда гаплар ўзаро мантиқан боғланган бўлади. Бундай алоқанинг бир неча тури борлиги Х.Изенберг томонидан кўрсатилган [Isenberg, 1970]: *Die Lampe brennt nicht. Die Sicherung ist durchgebrannt.* Ушбу микроматн таркибидаги гаплар ўзаро сабаб-оқибат муносабати билан боғланган бўлса қуйидаги микроматнда гаплар орасида бутун-қисм муносабати мавжуд: *Gestern ist ein Unglück geschehen. Peter hat sich den Arm gebrochen.*

Микроматн чегараси(бошланиши ва тугаши)ни белгиламай туриб унинг алоҳида синтактик бирлик эканлиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмаслигидан тадқиқотларда ушбу масала ҳам эътибордан четда қолмаган. Бир гуруҳ тадқиқотчи абзацни энг йирик синтактик бирлик ҳисоблайди [Фридман, 1975]. Бошқалар бу фикрни инкор этади. Жумладан, Л.М.Лосеванинг фикрича, абзац синтактик категория бўла олмайди.Негаки у ёзма матн композицияси билан боғлиқ. Матн таркиби эса сўз бирикмаси ва гаплардан иборат бўлади.Бундан ташқари битта абзац бир неча микроматндан таркиб топиши ёки аксинча бўлиши мумкин [Лосева, 1969]. Дарҳақиқат, абзацнинг ҳажми муаллифнинг услуги ёки матннинг қайси услубга мансублигига қараб бир-икки гапдан ҳам бир неча саҳифадан ҳам иборат бўлади.

Сирасини айтганда, ҳар бир тил бирлигининг чегарасини унинг ички тузилиши ва яхлитлиги белгиларини инобатга олмасдан аниқлаб бўлмаганидек микроматн чегараси ҳам унинг мазмуний, коммуникатив ва тузилиш жиҳатдан яхлитлиги билан узвий боғлиқ [9,32]. Бироқ айрим тадқиқотчи улардан фақат биттасига асосланади. Масалан, К.Е.Хайдолф томонидан микроматннинг коммуникатив яхлитлиги [Heidolph, 1966], Ҳарвег Р. томонидан эса унинг тузилиш жиҳатдан яхлитлиги асос қилиб олинади. Бундай ҳолда микроматндаги биринчи гапда одатда асар қаҳрамони (шахс) атоқли от билан ифода этилади.Кейинги гапларда олмош ишлатилади [Harweg, 1968]. Эссен О., Ҳарвег Р., Кондинский Б.С. каби тадқиқотчилар микроматн чегарасини белгилашда унинг интонацион тугаллигига ҳам эътибор беради [9,42].

*Микроматн*нинг энг йирик синтактик бирлик деб эътироф этиш унинг ҳажмига ҳам эътибор беришни тақозо қилади. Микроматн ҳажми унда қўлланилган гап сони, гап тури, гапларнинг кенгайиб ихчамлашишига боғлиқ бўлади. Бунда матн таркибидаги гапларнинг фақат шаклан эмас, мазмунан кенгайиб ихчамлашиши ҳам назарда тутилади. Бу ҳодиса зоҳиран содда ва қўшма гап кўринишида намоён бўлса мазмунан пропозициялардан таркиб топади. Таҳлил уларнинг муносабатини аниқлашга қаратилади.

Микроматн икки ва ундан ортиқ содда гапдан тузилганда гап пропозиция сони билан мос келиб энг йирик синтактик бирлик ҳажман катта бўлмайди. Микроматн кўпинча содда гап билан бирга мураккаб содда гап ҳамда қўшма гап(лар)дан таркиб топади. Бундай ҳолда табиийки микроматн ҳажман кенгайиб мазмунан мураккаблашади ва пропозиция сони гап сонидан кўп бўлади. Аниқроқ қилиб айтганда, пропозициялардан баъзиси кенгайган субъект-предикат кўринишида мустақил ўрин эгаллайди. Бошқаси эргашган қўшма гап таркибида шу субъект-предикат бирикмага тобе бўлади. Яна бирлари боғланган қўшма гап шаклида ёнма-ён келади ёки бир субъект-предикат бирикма ихчамлашиб бошқа бир субъект-предикат бирикма таркибига киради. Проф. О.И.Москальская булардан охиргиси, яъни субъект-предикат бирикманинг ихчамлашишига кенгроқ тўхталади. Жумладан,*ихчамлашиш* (нем. Кпаррheit, рус. свертывание) асосида деб ёзади олима ахборот сиққлиги (компрессия) этади. Бундай ҳолда сиққ пропозициялар ҳисобидан гапда бир ёки бирдан ортиқ субъект-предикат бирикма (линия) қўшилади. Натижада гап тузилиш жиҳатдан мураккаблашиб унинг ботини (глубина) кенгайди [9,151; 4,258].

Матн грамматикасининг асосий вазифаси айрим пропозицияни ифодалашда кенгайган (субъект-предикат) тузилманинг, айримда ихчамлашиш ва номинализациянинг қўлланишига олиб келадиган омилларни ўрганишдан иборат. Бошқача айтганда, микроматнда содда ва қўшма гапларнинг нисбати, яъни уларни танлаш омиллари

талқин қилиниши жоиз. Бунда матн таркибига кирувчи гап ва пропозициялар ҳамда уларнинг мақбул равишда жойлашуви(аранжировкаси) назарда тутилади.

Матнда гапларнинг жойлашуви муайян қонуниятларга асосланади. Э.Виттмерснинг фикрига кўра матнда гапнинг ўрни унинг коммуникатив-мазмуний вазифасига боғлиқ [Wittmers,1970]. Ҳ.Изенберг ҳам гапнинг матндаги ўрнини матннинг коммуникатив мазмуни билан боғлайди [Isenberg, 1972]. О.И.Москальскаянинг фикрича, абзац ва микроматннинг биринчи гапи кўпинча матннинг олдинги қисмларига боғлиқ бўлади. Микроматндаги кейинги гапларнинг ўрни эркин эмас. Чунки уларнинг қўлланиши учун микроматндаги биринчи гап асос бўлиб хизмат қилади [9,149].

Маълумки, икки ва ундан ортиқ пропозиция 1) мустақил содда ёки мураккаб содда гаплар, 2) эргаш гапли қўшма гап ва 3) боғланган қўшма гап шаклида ифода этилиши мумкин [Agricola, 1976]. Бунда уларнинг қўлланишида ўзига хос услубий ва бошқа хусусият билан бирга муштарак жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, ҳол эргаш гапли қўшма гаплар ҳам таркибида номинализация ва турли оборот бўлган содда гаплар ҳам қўшимча ахборотга зарурият бўлгандагина қўлланади [9, 161; 11,343–344].

Тадқиқотларда *микроматн қисмлари орасидаги мазмуний муносабат*(релятив структура)ҳам ёритилади. Микроматндаги мантиқий алоқа ва мазмуний муносабат масаласи кўп жиҳатдан грамматиканинг гаплар орасидаги синтактик алоқа ҳақидаги анъанавий таълимотида ўз ифодасини топган. Бу масала айниқса қўшма гапларда қўлланидиган боғловчи ва боғловчи вазифасидаги сўзларни таснифлашда чуқур ўрганилган бўлиб, мактаб грамматикасига киртилган [9,64]. Боғловчиларнинг грамматик таснифи маълум даражада мантиқда мураккаб жумлаларда белгиланидиган асосий муносабат турларига таянади. Аммо мантиқий боғловчиларнинг бир маънолиги, тилдаги боғловчиларнинг кўп маънолиги тадқиқи таҳлилда бирмунча қийинчилик туғдиради. Жумладан, мантиқ ва тилдаги *und* (*ва*) боғловчисининг асосий маъноси, яъни бириктириш вазифаси (1) мос келади. Шу билан бирга бу боғловчи қўшма гап қисмларининг денотатив маъносига боғлиқ ҳолда сабаб-натижа (2), шарт-натижа (3), зидлик (4) каби маъноларни ҳам билдиради [9, 65]:

(1) *Die Herden zogen auf die Weiden, und es läuteten ihre Glöckchen.*

(2) *Die Schneeflocken fliehen stets reichlicher, und der ganze Boden war schon weiß.*
(*und = so dass*)

(3) *Sage mir, mit wem du umgehst, und ich weiß, wer du bist.* (*und = wenn ..., so*)

(4) *Das Denken beruht auf eigener Geisteskraft, und das Erlernte ist fremdes Geistesprodukt.* (*und = während*)

Мураккаб жумла таркибий қисмлари орасидаги мазмуний муносабат (бириктирув ва ҳоказо) боғловчи қўлланмаганда ҳам мавжуд бўлади.Мазмуний таҳлилда бу инобатга олинмоғи даркор [9,66]:

(1) *Die Weiden zogen auf die Weiden, und es läuteten ihre Glöckchen.*

(2) *Die Herden zogen auf die Weiden, ihre Glöckchen läuteten.*

(3) *Die Herden zogen auf die Weiden. Ihre Glöckchen läuteten.*

Эргашган қўшма гапда ҳам қисмлар орасидаги мазмуний муносабат юқоридаги тарзда воқеланади.Боғланган ва эргашган қўшма гап билан микроматн қисмлари орасидаги мазмуний муносабат ўхшаш бўлади.Улар фақат услубий ва коммуникатив-функционал жиҳатдан фарқланади. Бу фарқ кўпинча қўшма гапни микроматнга ва аксинча микроматнни қўшма гапга айлантиришга монелик қилмайди. Бунга Ф.Данеш келтирган илмий услубга оид мисол ёрқин далил бўла олади [Daneš, 1979]:

(1)*Wöhler erwärmte Amoniumzyanid. Er stellte fest, dass es dadurch in Harnstoff verwandelt wird. Dieser Stoff war bisher nur als Produkt von lebendigen Organismen bekannt.*

(2) *Als Wöhler Amoniumzyanid erwärmte, stellte er fest, dass es dadurch in Harnstoff, bisher nur als Produkt von lebendigen Organismen bekannt, verwandelt wurde.*

Хорижий тилшуносликда бадийий ва бошқа услубларда муаллиф нутқи (монологик нутқ) билан бир қаторда нутқнинг бошқа турлари, яъни 1) оғзаки ва ёзма суҳбат (диалог), 2) бадийий асарда муаллиф ва асар қахрамонлари нутқининг, шунингдек 3) турли услубда муаллиф ва ўзга(лар) нутқининг ўзаро бирикиб гапдан йирик бутунлик

(матн) хосил қилиши кенг таҳлилу тадқиқ этилади. [Ушбу мавзуга доир адабиётлар ҳақида қаранг: 9,42].

Мазкур матн турлари ўзаро бир қатор ўхшаш ва фарқли хусусиятга эга. Жумладан, монологик матн каби диалогик матнга ҳам мазмуний, коммуникатив ва зоҳирий яхлитлик хос.

Ихчам диалогда *мазмуний яхлитлик* савол-жавоб учун теманинг умумийлиги ва сўроқ гапнинг ҳам дарак гапнинг ҳам синсемантик хусусиятга эгаллигидан иборат. На сўроқ гап на дарак гап алоҳида олинганда тугалланган хабар ифодалай олмайди: *Willst du mitkommen? – Ja* (ёки *Ja, gerne; Ja, selbstverständlich*. Катта ҳажмдаги диалогларда ҳам мазкур хусусият ўзгармайди [9, 43].

Коммуникатив яхлитлик монологик ва диалогик матнда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Монологик матн таркибидаги гаплар нисбий тугалликка эга. Ҳар қайси гапнинг алоҳида тема ва ремаси бўлади. Бу эса матнда коммуникатив занжирнинг давом этишига имкон беради. Диалогик матнда эса савол (сўроқ гап) темани, жавоб (дарак гап) ремани ифодалайди [9,123]. Диалогик матнда коммуникатив яхлитликнинг яна бир хусусияти шуки, суҳбат давомида сўзловчи ва тинговчи ўрин алмашиб туради. Бошқача айтганда, уларнинг нутқий вазифаси ўзгаради. Бундан ташқари тема ва рема лисоний восита билан ифодаланмай назарда тутилади ва диалогнинг муайян қисми аниқроғи коммуникатив занжирнинг маълум бўғини ёрдамида идрок этилади [9, 44]. Бинобарин, бундай ҳолда матнга хос тежамкорлик зухур бўлади.

Эллипсис (тежамкорлик) айна пайтда диалогик матнда *савол-жавобнинг шаклий яхлитлигини* хосил қилишда устувор ҳисобланади. Бундай ҳолда тузилиш жиҳатдан тўлиқ саволга қисқа жавоб бериш назарда тутилади: *Willst du mitkommen? – Ja* (*ich will mitkommen* ўрнида) ёки *Nein* (*ich will nicht mitkommen* ўрнида). Яна битта мисол: *Was wünschen Sie? – Ein Zimmer* (*ich wünsche ein Zimmer* ўрнида). Луғавий такрор ва грамматик алмашишнинг монологик матнга нисбатан диалогик матнда кам қўлланиши ҳам асосан жавобнинг эллиптик (тежамкор) шаклга эгаллиги билан изоҳланади [9,123].

Диалогик матннинг *интонацион яхлитлиги* монологик матнга нисбатан яққолроқ намоён бўлади [Бружайте, 1972; Birwisch, 1966; Harweg, 1971].

Ҳажмига қараб диалогик матн бир ёки кўп темали бўлади [9,46]. Айна бир микроматнда нутқ турлари биргаликда ҳам қўлланади. Монологик ва диалогик нутқнинг бирикиб келиши бадиий матнда кўп учрайди. Бадиий насрда табиийки монологик, яъни муаллиф нутқи устувор. Диалогик, яъни асар қаҳрамонлари нутқи муаллиф нутқига кўпинча нутқ феъли ёки ҳис-туйғу билдирувчи феъл ва сўзлар билан боғланади. Асар қаҳрамонларининг диалогик нутқи муаллиф нутқига бевосита бирикиши ҳам мумкин [9,124].

Аралаш тур муаллиф нутқи, асар қаҳрамонларининг кўчирма нутқи ва ўзга нутқнинг бошқа турлари, яъни ўзлаштирма нутқ, ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ (персонаж-ларнинг ички нутқи, ўй-фикри)дан тузилиши мумкин. Бундай ҳолда ҳам микроматн хосил бўлади [9,51]: *Geh! sagt sie und nimmt sich eine Zigarette, dann Feuer, während ich frage, was denn Herrgott nochmal geschehen sei. All diese Jahre! sagt sie und raucht. Was habe ich denn gesagt? vorher ihr Schluchzen, jetzt sagt sie bloss: geh!, rauchend. Wieso habe ich sie betrogen? Das sagt man so: jemand stehen die Haare zu Berg. Aber das gibt es, ich seh's, ihr Haar steht ihr zu Berge. Hat Lila wirklich geglaubt, ich sei blind? Das also ist das Ende. Was esoeigentl ich? Vergeblich bitte ich um Verzeihung dafür, dass ich manches gesehen habe ... All diese Jahre! Sagt sie, du hast mich nie geliebt, nie, jetzt weiß ich's und jetzt will ich, dass du gehst! Rauchend, dann schreiend: dass du gehst* (Frisch). Ушбу микроматнда *кўчирма нутқ*, муаллиф нутқи, *ўзлаштирма нутқ*, ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ мавжуд бўлиб ҳар хил шрифт билан ёзилган.

Нутқнинг монологик турига унинг яхлитлигига дахл қилмай иқтибос, кўчирма (цитата) бирикиши хос [9,51].

Нутқнинг аралаш турларида замон шакллари, сўроқ, буйруқ, тасдиқ ва инкор гапларнинг қўлланишида фарқли жиҳатлар ҳам бор. Бинобарин, монологик ва диалогик

матн орасидаги грамматик тафовут уларни фақат услубиятда эмас, матн грамматикасида ҳам ўрганишни тақозо этади [9,125].

Ўзгалар нутқи нутқнинг алоҳида тури бўлиб нутқий вазиятнинг алоҳида кўриниши (особая структура речевой ситуации) ҳисобланади. Бунда монологда сўзловчи (ёзма нутқда муаллиф)нинг ўз нутқига бошқа шахс нутқи, диалогда эса бошқа шахслар нутқи кўшилади. Сўзловчининг ўз нутқи объекти бўлиб борлиқдаги воқеа-ҳодиса ва фактлар хизмат қилади. Ўзининг монологик нутқи асосида сўзловчи тингловчи (адресат)га борлиқ ҳақида ахборот, маълумот беради. Сўзловчининг диалог тарзидаги ўз нутқи эса нутқий амал (нутқ акти) иштирокчиларининг борлиқ ҳақидаги суҳбатидан иборат бўлади.

Ўзга(лар)нинг нутқи тамомила бошқача нутқий вазиятни тақозо этади. Бундай ҳолда сўзловчи борлиқ ҳақида ўз фикрини эмас, ўзгаларнинг фикри ёки суҳбатини баён қилади. Психолингвистик нуқтаи назардан монологик ўзга нутқда ҳам, диалогик ўзга нутқда ҳам доим бир хил муносабат мавжуд бўлади: ахборот бериш \leftrightarrow ахборот олиш (ёки хабар қилиш ва хабардор бўлиш). Ахборот (маълумот) объекти вазифасини эса юқорида айтилганидек, бошқа шахс ёки шахсларнинг фикри, суҳбати бажаради. Бундан ташқари ўз нутқи орқали сўзловчининг адресатни ўзи ёки адресат амалга оширган воқеа-ҳодиса мазмунидан хабардор қилади [9,126]. Ўзга нутқнинг ифодаланиши турли услубда турлича бўлиб ҳар бири ўзига хос грамматик меъёрга эга [6, 2].

Ўзгалар нутқи ифодаланишининг энг оддий усули *кўчирма нутқ*дир. Бундай ҳолда ўзганинг нутқи ҳеч ўзгаришсиз хабар қилинади. Кўчирма нутқнинг муаллиф матни билан бирикиш механизми шундан иборатки, муаллиф ўзганинг нутқини баён қилиб унинг кимга тегишли эканлигини ифодалайди.

Кўчирма нутқ икки хил бўлади: 1) бадиий асарда қаҳрамонлар нутқи (кўпинча диалог тарзида); 2) илмий, публицистик матн, иш юритиш ҳужжатлари ва ҳоказода ўзганинг иқтибос(цитирование) шаклида ифодаланадиган монологик фикри. Иккинчи турда иқтибоснинг айнан эканлигини кўрсатиш мақсадида кўчирма нутқ кўштирноққа олинади, матннинг тушириб қолдирилган қисми кўп нуқта билан ифодаланади, махсус шрифтдан фойдаланилади, илмий адабиётда ҳаволада муаллифнинг исм-шарифи, асар номи, нашр қилинган йили, ўрни кабилар кўрсатилади. Публицистик матнда эса кўчирма нутқ билан бирга ўзлаштира нутқ ҳам қўлланади ва ҳоказо [9,127]. Мисоллар таҳлили кўчирма ва ўзга нутқнинг бошқа турлари хабар манбаи (источник информации)ни кўрсатиш ва унинг ишончилиги (достоверность)ни тасдиқлаш имконини беради [9,128].

Ўзгалар нутқи ифодаланишининг иккинчи муҳим усули *ўзлаштира нутқ*дир. Нутқнинг бу турида ўзгаларнинг хабари қисман ўзгариш билан муаллиф номидан баён этилади. Бундай ҳолда кўчирма хабардан фарқли ўлароқ нутқнинг синтактик тузилиши тубдан ўзгаради.нинг ўзига хос бир нечта грамматик белгиси бор: 1) ўзга нутқ тўлиғича ёки бошланиши эргаш гапдан иборат бўлади; 2) эргаштирувчи боғловчи (ўзлаштира хабарда *dass*, ўзлаштира сўроқда *ob*) қўлланади; 3) шахс шакли ўзгаради (одатда III шахс); 4) асосан конъюнктив ишлатилади, 5) унинг таркибида *sellen* ва *mögen* феъллари келади (ўзлаштира буйруқда) ва б.

Илмий айниқса публицистик нутқда ўзлаштира матннинг ихчам шакли (*erzählte Rede*; свернутая форма или скрытая чужая речь) кенг истеъмолда бўлиб отли сўз бирикмаси ва отли сўз бирикмаси ҳамда феъл орқали ифодаланади [9,129]. Бадиий матнда ўзлаштира хабар икки хил вазифа бажаради [9,131–132].

Ўзгалар нутқининг учинчи тури фақат бадиий адабиётга хос бўлиб *ўзиники бўлмаган кўчирма нутқ* (*erlebte Rede*, несобственная прямая речь) деб аталади. Ўзгалар нутқининг бу тури муаллиф матнига кўшилиб асар қаҳрамонлари фикр ва туйғусини ифодалайди, уларнинг ички дунёсини очиб беришга хизмат қилади. У муаллиф нутқи билан бирлашиб чатишиб кетади. Бу унинг грамматик жиҳатдан ифодаланишида намоён бўлади. Унда ўзлаштира, кўчирма ва муаллиф нутқининг белгилари мавжуд бўлади. Унинг синтактик тузилиши кўчирма гапни кимга ўхшайди. Унда индикатив ва диалогик нутққа хос бўлган ҳис-туйғуни ифодаловчи восита (модал сўз ва юклама, ундов сўз, ундов гап каби)лар қўлланади. III шахс шаклининг ишлатилиши эса

унинг ўзлаштира нутқ билан бир хиллигидан далолат беради. Муаллиф нутқи каби унга ҳам претерит ва претеритал замон шаклларининг қўлланиши хос. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг бу белгилари фақат матнда намоён бўлади. Контекстдан ташқарида у одатдаги кўчирма нутқдан фарқ қилмайди. Ўзга нутқнинг бу турида претерит ўрнида презенс ҳам учрайди[9, 132].

Хулоса. Хорижий тилшуносликдаги матн грамматикаси ҳамда микроматн яхлитлиги хусусида мавжуд фикрлардан ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилмаган матн грамматикаси ҳамда микроматнни тадқиқ қилишда фойдаланса бўлади. Бундай ҳолда тил рухий-ижтимоий хилқат деб қараладиган таълимотга асосланиб ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти (тежамкорлик) инobatга олинса гап каби микроматн талқину тадқиқида ҳам русча қолип ва андозалардан амалда қутулиш имкони туғилади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Boot K.** Der deutsche Satz. Die Satzverflechtung. Deutschunterricht, 1949, Heft 3.S. 5-10.
2. **Brinkmann H.** Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2.Auflage. Düsseldorf, 1971. - 455 S.
3. **Dijk T.A. van.** Some Aspekts of Text Grammars. The Hague-Paris, 1972. - 155 p.
4. **Moskalskaya O.** Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. M., 1975. - 384 s.
5. **Ries Y.** Was ist ein Satz? Prag, 1931. 168 S.
6. **Riesel E. Schendels E.** Deutsche Stilistik. M., 1975. 205 S.
7. **Schendels E.** Deutsche Grammatik. Morphologie. Syntax. Text. - M.: Vysšaja škola, 1979. - 400 s.
8. Grammatika russkogo yazika. AN SSSR, t.II, M., 1954. - 630 s.
9. **Moskalskaya O.I.** Grammatika teksta. - M.: Visshaya shkola, 1981. - 184 s.
10. **Solganik G.Ya.** Sintaksicheskaya stilistika (Slojnoe sintaksicheskoe seloe). - M., 1973. - 188 s.
11. **Zikrillaev G'.** Ruh va til. - T.: Fan, 2018. - 464 b.

УДК: 811. 512.133'373. 811.512.133'276.6:63

ОҚ ВА ҚОРА СЎЗЛАРИНИНГ АПЕЛЛЯТИВ ВА ОРНИМИК САТҲДА ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ СЛОВ «БЕЛЫЙ» И «ЧЁРНЫЙ» В АПЕЛЛЯТИВНОМ И ОРНИМИЧЕСКОМ АСПЕКТАХ

USAGE PECULIARITIES OF THE WORDS "WHITE" AND "BLACK" IN APPELLATIVE AND ORONIMIC ASPECTS

Бегимов Одил Тўхтамишович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўзбек ва рус тиллари кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Begimov Odil Tokhtamishovich

Karshi Institute of Engineering and Economics, associate professor of uzbek and russian languages, candidate of philological sciences

Таянч сўзлар: апеллятив, оронимия, орография, тоғ, баландлик, довон, тепа, объект.

Ключевые слова: апеллятив, оронимия, орография, гора, перевал, возвешение, холм, объект.

Key words: appellativ, oronim, orographic, mountain, height, hill, object.

Мақолада оқ-қора сўзларининг апеллятив лексика ва оронимик лексика сатҳларда қўлланиш хусусиятлари тадқиқ этилган, уларнинг иккала сатҳда ҳам қандай луғавий-маъновий хусусиятларни намоён этиши мисоллар асосида далилланган.